**Ушбу сонда:**
2 БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ
4 ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ МУАЗЗАМ МАСКАН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 21 июл, чоршанба № 117 (1750)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ




*Йиллар ва одамлар*

***Яқинда Ўзбекистон металлургия комбинати ташкил этилганининг 60 йиллик байрам шодиёналари металлурглар маданият саройида бўлиб ўтди. Залда ўтирганларнинг гулдурос қарсаклари остида корхонанинг энг илғор, жонкуяр, муносиб кишиларига ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари топширилди. Улар ичида Вячеслав Рудскийҳам бор эди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими» унвони билан тақдирланди.***

## 45 ЙИЛ МЕТАЛЛУРГЛАР САФИДА

Бутун танасида жимирлаш пайдо бўлган В.Рудский аста ўрнидан қўзғалиб, саҳна томон салмоқли қадамлар билан юра бошлади. Ўзбекистон металлургия комбинатига илк бор қадам қўйган ёшлик даври кўз олдига келди.

Ушбу корхонада меҳнат қилишни ўзига фахр, ифтихор, деб билган ёш йигитни электр-техника лабораториясига ишга қабул қилдилар. Орадан бир йил ўтиб, энергетика цехига ишлашга ўтказганларида, у бу ердаги мураккаб ускуналарга кўз ташлаб, билим олиши жуда зурур эканлиги ҳақида ўйлади.

1959 йилда Бекобод оғир саноат техникумининг кечки бўлимини тугатди. Кейинчалик, Магнитогорск тоғ-металлургия институтини сиртдан битирди. 1978 йили электрда пўлат эритиш цехи ишга туширилганидан кейин электр жиҳозлари бўйича уста ёрдамчиси вазифасига тайинланди.

Ушбу, цех ишга тушиши улкан воқеа бўлди. Уни бунёд этишда ўнлаб қурилиш ташкилотлари қатнашди. Қурувчилар ва металлурглар суръатни ошира бориб, 1978 йилда цехнинг йилига 250 минг тонна пўлат эритиш қувватига эга бўлган биринчи навбатини ишга туширишга муваффақ бўлдилар. В.Рудский ана шундай тарихий аҳамиятга эга бўлган улкан цехда масъулиятли лавозимларда 16 йил меҳнат қилди. Ўтган йиллар мобайнида цехнинг, умуман корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ошириб борилди ва юртимиз саноати учун муҳим бўлган метал маҳсулотлари етказиб берилди.

Бугунги кунда Ўрта Осиёда ягона бўлган Ўзбекистон металлургия комбинатида мартен, прокат ишлаб чиқариш, иккиламчи қора метал, халқ истеъмол моллари цехлари ишлаб турибди. Йиллар ўтиб боргани сайин техникалар такомиллашиб, цехлардаги айрим жиҳозлар, ускуналар ҳам янги, замонавийларига алмаштирилди. Айрим ускуналарда янада мукаммалроқ иш бажаришни таъминлаш эҳтиёжи ҳам сезила бошлади.

Натижада 1996 йил корхона қошида муҳандислик маркази ташкил этилди. Унга раҳбарлик қилиш билимдон, тажрибали, изланувчан мутахассис Вячеслав Рудскийга топширилди. Унинг бошчилигидаги жамоа комбинатда реконструкцияни ўтказишда фаоллик кўрсатиб ишлади. Сўнгги беш йилда янги электропеч пўлатга комплекс ишлов бериш қурилмаси билан бирга қурилиб ишга туширилди. Ушбу печда оловга чидамли ғиштлар технологияси ўзлаштирилиши ҳисобига 2003 йилда 287 миллион 900 минг сўмлик электр энергияси тежалди. Пўлат эритилишининг тезлашиши ҳисобига 1 миллиард 37 миллион сўмлик электрод, 178 миллион 300 минг сўмлик оловга чидамли материаллар иқтисод қилинди. Булардан ташқари, муҳандислик маркази томонидан кейинги беш йилда рангли металлар қуйиш участкаси, симли катанка тайёрлаш бўлими, шиша идишлар ишлаб чиқариш цехи қурилиши ва бошқа кўплаб техник тадбирлар амалга оширилди.

Вячеславнинг комбинатда 45 йил меҳнат қилиб, кўплаб иқтисодий самарадорликка эришишда қилган хизматлари, малакали, билимдон кадрларни тайёрлашдаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланди. У фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо эсдалик совғалари, «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.

**Темур ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## БАРЧА ҚИШЛОҚ ГАЗЛАШТИРИЛДИ
### бу айтишгагина осон

Қўшни маҳаллага тўйга борган Сотволди бобо кайфияти чоғ ҳолда дарвозадан кириб келди. Ҳовли этагидаги полизда боқилаётган кўчкорга ем солиб келаётган кампирига, эҳтимол, анча йиллардан бери биринчи марта ҳазил қилди.

– Суюнчига сандиқдаги бекасам тўнингни олиб чиқабер, айтсам ҳушинг учиб кетадиган янгилик келтирдим, – деди тишсиз оғзини баралла очиб.

– Вой чоли тушмагур-ей, тинчликми ўзи? Қандай янгилик экан у? Осмон узилиб, ерга тушмаганми ҳайтовур. – Солия хола ҳам чолнинг кайфиятига кўчиб; кулиб жавоб қайтарди.

– Бу йил кузга бормай газ келармиш, қора ўчоқдан қутилармишсан. Худо хоҳласа, рамазон ойининг саҳарлик чоғида ҳаммани безовта қилиб ўчоққа ўтин ёқиш ўрнига осонгина газ плитаси қулоғини бурасанг бас, хоҳласанг паловхонтўра тайёр, хоҳласанг, билқиллаган шўрва қайнайди, ёнида эса кўк чой дамланади.

– Оғзингизга шакар, дадаси. Айтганингиз келсин. Лекин бунақа «янгилик»ни йигирма-ўттиз йилдан бери эшита бериб қулоқларимиз ҳам том битди-ку!

Энди Сотволди бобонинг жаҳли чиққандай бўлди.

– Сени одам ҳисоблаб хурсандчилигимни айтиб ўтирибман-а! Сал ўтмай ўғлинг даладан қайтади. Сўраб билиб оласан. Касабақўм билан хўжалик фаолларининг қўшма йиғилишида эълон қилишибди. Керакли важларни автогаражга келтириб жойлаштиришаётган эмишлар.

Орадан сал вақт ўтмай, фермадан сигир соғиб келаётган келин Ҳалима гап нимадалигини пайқаб қайнотасининг айтганларини тасдиқлади.

– Дадамнинг гаплари тўппа-тўғри. Фермада ҳам шу янгилик. Ҳамманинг оғзи қулоғида. Ҳар йили қиш яқинлашмасдан соғиш воситаларини совуқда ювиш, ем тайёрлаш қийинчиликлари ваҳимаси босарди. Йиғилишда қатнашган зоотехнигимиз айтиб келди. Уч жойга газ плитасини ўрнатамиз. Молхоналаримиз, дам олиш хоналари-ю ҳамма ерга газ қувурларини тортиб, иситиш воситалари қўйиларкан. Зоотехник энди фермада қиш билан ёзнинг фарқи қолмайди, бир хил шароитда ишлайсизлар, деб айтди.

Солия хола аввалига атайлаб чоли келтирган хушхабардан ишонмагандек жаҳлини чиқарган бўлса, энди келинининг гапидан кейин фотиҳага қўл очди:

– Илоҳо, айтганларинг рост бўлсин. Яратганнинг шу кунларга етказганига минг бора шукроналар келтирайлик!

Гап орасида аллақачон айвон остига қўйилган тахта каравотга бориб ўтирган Сотволди бобо ўқимишли кишиларга хос кампирига уқтиришга ўтди:

– Билсанг, буларнинг бари мустақиллигимиз шарофати, кампиршо. Москов бизга ҳукмронлик қилган замонларда кўриш бор-у, ейиш йўқ, деганларидек эшигинг остонасидан газ қувури ўтсаям ундан баҳра олишга ҳаддимиз сиғмасди. Бугунги кунга келиб Ўзбекистонимиз заминида қандайки ер усти, ер ости бойлиги бўлса, ўз эҳтиёжимиз учун ишлатиш ҳуқуқига эгамиз. Эсларингизда бўлса, Бухоронинг «зангори олов»и дея таърифланадиган тутунсиз ёқилғи биздан чиқарди. Ана шу ёқилғи қаерларга олиб кетилмади. Ўзимиз эса ҳамон ота-бобомиздан қолган қора ўчоқ ёқиб қола бердик. Шу боисдан ҳам Юртбошимиз Ўзбекистондаги ҳар бир хонадонга газ кириб бориши керак, ҳар бир оила водопроводнинг тозаланган сувини ичиши керак, деган вазифани қўйди. Мана, Оллоҳга минг бора шукурларким, Юртбошимиз қўйган топшириқ рўёбга чиқяпти. Газ ҳам, тоза ичимлик суви ҳам уйларимизга кириб келяпти.

Аслида Солия холанинг чоли топиб келган хушхабарга дарров ишонқирамаганлигида ҳам, Сотволди бобонинг қайта-қайта шукрона билдираётганлигида ҳам жон бор. Ахир кечагина эмасмиди, чақирсанг овоз етадиган жойдан қулочинг етмайдиган қувурларда газ тармоғи ўтган бўлишига қарамасдан, қишлоқдагилар алмисоқдан қолган қора ўчоқдан қутилиша олмас, бир пиёла чой ичгилари келса, бир боғ ғўзапоя ёқишга мажбур эдилар.

Ҳа, гапнинг нафсиламбрини айтганда, ишловчи ва барча фуқаро манфаатини ҳимоялашни, унинг чинакам инсонларча турмуш кечириши учун зарур шароит яратиб берилишини ўзининг бош мақсади, деб билган касаба уюшма қўмитаси-ю бу йўлда керакли моддий асос яратиш учун интилаётган хўжалик бошқарувига ҳам минг бор ташаккур. Зеро, ана шу эзгу ниятда тузилган жамоа шартномасида йирик ҳарфлар билан «Ишловчиларнинг, барча фуқароларнинг самарали меҳнат қилишлари, фаровонликда яшашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш» лозим деб ёзиб қўйилган-да!

Қаранг, салкам 210 та оила истиқомат қиладиган биргина Бектемир қишлоғини газлаштириш учун бир неча миллион сўм маблағ ажратилиб, 4,5 чақиримли газ тармоғи тортилганлиги натижасида 1996 йилда қишлоқ аҳолиси қора ўчоқдан тамоман қутилди. Қумқўрғон қишлоғи аҳолиси эса улардан бир йилгина аввал, уч чақиримдан тортиб келинган «зангори олов»дан баҳраманд бўлишган эди. Хуллас, хўжалик ҳудудидаги мавжуд тўрт қишлоқ аҳолиси хонадони аллақачон тўла газлаштирилганлиги, умуман, Наманган вилоятининг Исковот, Заркент, Нанай сингари чекка қишлоқларигача «тутунсиз ёқилғи» етиб борганлигининг ўзиёқ ҳар қандай шароитда ҳам инсон учун ғамхўрлик мустақил мамлакатимиз олдига қўйилган бош вазифа эканлигидан ва у изчил рўёбга чиқаётганлигидан далолатдир.

Инсон умрини узайтиришнинг, унинг турли юқумли касалликлардан сақланишининг, озода ва соғлом яшашининг асосий омилларидан ҳисобланган тоза ичимлик суви таъминотига эришиш Ўзбекистонимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган масала эканлиги барчага маълум. Хўжалик бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси бу борада ҳам қўлни-қўлга берган ҳолда иш юритмоқда. Шу кунда Наманган туманидаги «Ғайрат» ширкат хўжалигининг деярли барча дала шийпонларини тоза ичимлик сувидан баҳраманд этилганлигининг ўзини табриклаш керак. Барча қишлоқлар ва маҳаллаларга водопровод шахобчалари ўтказилган. Бу борадаги сўнгги муаммо қумқўрғонликларнинг тоза ичимлик сувига нисбатан эҳтиёжлари ҳам тўла қондирилди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



## МАҲСУЛОТ ҚАЙТА ИШЛАНМОҚДА

Самарқанд тумани мева-сабзавот етиштириш бўйича вилоятда етакчи ўриндадир. 2923 гектар майдондаги боғ-роғ, узумзорлар, 1725 гектардаги сабзавотлардан олинадиган ҳосилнинг барчаси тумандаги қайта ишлаш корхоналарида қайта ишланади.

«Агромир» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси нафақат туманда, балки республикамизда ҳам етакчи. Бу ерда мева-сабзавот консервалари, томат паста, турли шарбатлар ҳамда мева шинниси ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

– Ўзбекистон виноси жаҳон бозорида юқори ўринларнинг бирида туради. Шундан келиб чиқиб, корхонамиз ҳовлисида бир миллион туп винобоп «Каберне», «Алиатика», «Саперави», «Таквери» каби грузин токларини парваришлаяпмиз, - дейди қўшма корхона раҳбари Носир Қўзиев. – Ватани Грузия бўлгани билан бу нав токларни Китоб тумани, Тошкент ҳамда Бухоро вилоятларида етиштириш яхши йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, корхона ишчиларига бир маҳал бепул иссиқ овқат берилиб, ишга келиш ва ишдан сўнг уйга қайтиш учун махсус автоулов билан таъминланган.

**Суратда: оператор Шероз Исомов.**

**Т.НОРҚУЛОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

*Инсон ва табиат*

***Кум-тўзонли шамоллар хуружга келиб, кўнгилни беҳузур қилади. Иссиқ ёз кунлари катта ўзбек тракти бўйлаб, Тахтакўпир туманига бораётган кишининг кўзи йўлнинг икки томонидаги серманзара боғларга тушади. Дарахтларнинг аксарияти мевали. Бундан 3-4 йил илгари экилганлари ҳосилга кирган.***

## ТАХТАКЎПИР ЎРМОНЗОРЛАРИ

Абдижамил Абдиқодировнинг ёшлиги қорақалпоқ далаю даштларида ўтган. Чўлу биёбонларни обод қилиб, минглаб ниҳолларни ўз қўли билан ўтқазган. Ўрмончилик унга ота касб. Қаерда қанча дарахт бор, қанча иҳотазор ва яйлов борлигини ёддан билади.

– Боғлар ва ўрмонзорларимиз йилдан-йилга яшариб бормоқда, – дейди бош ўрмончи фахр билан. – Эски дарахтлар ўрнига янгиларини экиб, парваришлаяпмиз. Дарахтзорлар орасига қишлоқ хўжалик экинлари ўстирамиз.

Тахтакўпир ўрмон хўжалигининг ҳудуди 235 минг гектар майдонни эгаллаган. Йигирма минг гектарини яйловлар, 400 гектарини қумликлар, қолганини зироатчилик экинлари ўстириладиган ерлар эгаллайди.

Чанг-тўзон ва қум бўронлари таъсирини камайтириш мақсадида ўн минг гектар майдонга қандим, черкиз, саксовул экилди. Хўжаликда бешта кўчатхона бўлиб, мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари уруғидан кўкартириляпти. Жорий йилда деҳқон-фермер хўжаликларига 25 минг туп қайрағоч, 5 минг тупдан ортиқ мевали дарахт кўчатлари етказиб берилади. Уч гектарлик олмазор боғ яшнаб турибди.

Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси ижроия қўмитаси Нукус филиали билан тузилган шартномага мувофиқ денгизнинг қуриган қисмида кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари олиб боріляпти. Ҳудудни қум кўчкиларидан ҳимоя қилиш учун юз гектарлик иҳотазорлар барпо этилди.

– Вазирлар Маҳкамасининг «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида экологик шароитни яхшилаш вазифалари белгилаб берилган, – дейди хўжалик раҳбари З.Имолиддинов. – Шунинг учун ҳам минтақанинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофазалаш ҳар бир кишининг инсоний бурчидир.

Ўрмонлар она юртимизнинг «яшил белбоғи». Шунинг учун тўқайзорлардан самарали фойдаланиш, дарахтларни сақлаш ва кўпайтириш борасида ўрмон хўжалиги жамоаси ибратли ишларни амалга оширилаяпти.

**ЁЛҚИН**

## ГЕРМАНИЯДАН ОЛТИН МЕДАЛ

***Германиянинг Люкенвальд шаҳрида эркин кураш бўйича ўтган халқаро турнирда Европа ва Осиёнинг ўндан зиёд мамлакатидан полвонлар гиламга чиқди.***

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот хизматидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчилардан Помиршо Воҳидов ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлган. Яна уч нафар курашчимиз - Денис Михайлов, Дилшод Бозорбоев ҳамда Рустам Раҳимов кучли ўнликдан жой олди.

**(ЎзА)**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

***Таҳририятимизга Сурхондарё вилоятининг Шўрчи тумани «Далварзин» ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Абдисалом Қаршиев томонидан йўлланган шикоят хатида у ўз вазифасидан ноҳақ бўшатилганлигини маълум қилиб, адолатни тиклашда ёрдам берилишини сўраганди.***

***Шикоят хатини кўриб чиқиш ва масалани адолатли ҳал этиш учун Сурхондарё вилояти ҳокимлиги эътиборига ҳавола қилинганди. Яқинда ушбу мазмундаги жавоб олинди:***

Низоли масала мутасадди раҳбарлар ва мутахассислар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Шўрчи туманидаги 43-ўрта мактаб директори А.Қаршиев ўз аризасига кўра эгаллаб турган вазифасидан озод этилган. Туман халқ таълими бўлими томонидан 21-умумтаълим мактаби директорлиги ва 34-умумтаълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифалари вакант бўлгани учун А.Қаршиев ушбу лавозимларда ишлаши таклиф этилган. Бироқ, у бу таклифни рад этиб, ўз вазифасига тиклашни талаб қилган. Фуқаро А.Қаршиевга энди бу масалада Фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилиши тушунтирилди.

**А.ЭШМУРАТОВ,**
**Сурхондарё вилояти ҳокими**

## ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЧУН

«Суғурта лайф» суғурта компанияси «Sarkor Telekom» интернет-провайдери билан ҳамкорликда янги лойиҳани амалга ошира бошлади. Бундан мақсад «Sarkor Telekom» компаниясининг интернет-карталаридан фойдаланувчи кўп минг сонли жисмоний шахсларга суғурта ҳимоясини тақдим этишдир.

Хизматнинг афзаллиги шундаки, суғурта полиси провайдер томонидан совға тариқасида берилади ва бахтсиз ҳодиса юз берганда мижозга суғурта қопламаси тўланади.

Ҳозиргача Интернет тизимидан фойдаланувчи уч юз эллик мижоз суғурта полисига эга бўлди.

*Шарҳловчи минбари*

***АҚШ пойтахти Вашингтон шаҳридаги энг қадимий молия муассасаси ҳисобланган «Риггс банк» ўз номини ўзгартиришига тўғри келади. Уни «Пи-Си файнэншл сервисиз групп» корпорацияси сотиб олди.***

## «РИГГС БАНК» НОМИДАН МАҲРУМ БЎЛДИ

АҚШдаги ўрта тоифали банклардан бири бўлган, «Риггс банк»ка 167 йил илгари асос солинган эди. У XIX асрдан буён Вашингтондаги дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиб келаётганди. «Пи-Си файнэншл сервисиз груп» билан имзоланган келишувга кўра, энди у ўзининг хорижий мижозлари билан барча алоқаларини тўхтатади.

Сўнгги вақтларда, «Риггс банк»нинг фаолияти жиддий танқид қилина бошланган эди. Банк маъмурияти хорижлик омонат эгалари билан молиявий операцияларни ўтказишда қонунбузарликка йўл қўйганликда айбланди. 11 сентябр воқеаларидан сўнг АҚШ назорат идораларининг унга эътибори кучайди. Террорчилик ташкилотлари билан боғлиқ шахсларнинг ҳисоб рақамларидан мамлакат қонунларига хилоф равишда пул ўтказгани учун ҳукумат томонидан «Риггс банк»ка жорий йилнинг май ойида 25 миллион долларлик жарима солинди.

АҚШ сенатининг ҳукумат муассасалари бўйича қўмитаси вакиллари «Риггс банк» иши юзасидан икки йил мобайнида текширув ўтказди. Унинг натижалари ўтган ҳафта мамлакат конгрессида тингланди. Банк маъмурияти билан Чилининг собиқ раҳбари Августо Пиночет ўртасидаги ноқонуний ҳамкорлик алоқалари ҳам ошкор бўлди.

Маълумки, генерал А.Пиночет 1998 йилда Буюк Британия ҳукумати томонидан ҳибсга олинганди. Халқаро тергов гуруҳи томонидан унинг хорижий банклардаги ҳисоб рақамлари ҳаракатдан тўхтатила бошланди. «Риггс банк» эса унга тегишли шахсий сармояларни терговдан яширган.

Маълумотларга қараганда, 1994-2002 йиллар мобайнида «Риггс банк» менежерлари томонидан ташкил этилган кўплаб қалбаки фирмалар ва ҳисоб рақамлари орқали Вашингтондан Лондонга 1,6 миллион доллар миқдорида маблағ ўтказилган. Молиявий операцияларни амалга оширишда ҳужжатларнинг биронтасида генерал А.Пиночетнинг номи қайд этилмаган.

**(ЎзА)**

*«Ишонч» фош этади*

## МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК, РАСМИЯТЧИЛИК ТОКАЙГАЧА?

***Жиззах вилоят ҳокими ва касаба уюшмалари вилоят Кенгаши мактаб ўқувчиларининг 2004 йил ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этиш тўғрисидаги қўшма қарорига кўра «Меҳр ва мурувват йили» вилоят дастури асосида кам таъминланган оилаларнинг 130 нафар фарзанди бепул йўлланмалар билан таъминланиши зарур.***

***Дўстлик туманида ҳам ўн нафар ана шундай кам таъминланган оила фарзандлари Фориш, Зоминдаги ёзги дам олиш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришлари белгилаб қўйилди.***

Туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи И.Ширинов, «Нуроний» жамғармаси раиси О.Қувватов, «Маҳалла» жамғармаси раиси З.Раҳматовларнинг имзоси билан тасдиқланган рўйхатда Дўстлик шаҳри, У.Носир кўчасида истиқомат қилувчи Улбўсин Шегалиева «боқувчисини йўқотган» тоифасида кўрсатилган. Қизиғи шундаки, рўйхатда Улбўсин «1987 йилда туғилган» дея таъкидланади. Болалар оромгоҳларида бўлиш 7 ёшдан 14 ёшгача қилиб белгилаб қўйилганини ҳисобга олиб, масалага ойдинлик киритиш мақсадида У.Шегалиева билан учрашишга қарор қилдик. У уч нафар фарзанднинг онаси, боқувчисини йўқотган оила экан. Тўнғичи Элвира 7-синфда, Нурпўлат 5-синфда, Элмира эса 3-синфда ўқиркан. Оромгоҳ ҳақида гап очганимизда, у ҳайрон бўлган ҳолда елка қисиб, бундан хабарсизлигини, таклиф этишса жон деб фарзандларини юборишини билдирди. Ахир унинг боқувчисини йўқотган оила сифатида бундай кўмакка муҳтожлиги шундоқ сезилиб турарди.

Биз юқорида таъкидлаган рўйхатда келтирилган «Янгиобод» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи А.Мардонов 1984, «Боғзор» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи З.Кўчиев 1985 йилда туғилганлиги қайд этилади. Демак, улар ҳам ёш жиҳатдан оромгоҳларга боролмасликлари аниқ. Шу ўринда ўйлаб қоласан киши. Жимжимадор имзолар остидаги бундай рўйхат нимага керак? Хўжакўрсингами, ҳисобот топширишгами, ёки...

Туманга қарашли «Дўстлик» болалар оромгоҳи тоғли Бахмалнинг «Бахмал» хўжалиги ҳудудида жойлашган. 19 июл куни оромгоҳда бўлиб, аҳвол билан танишдик. Шу куни эрталабдан ёғаётган ёмғир гоҳ жалага айланар, яна бир зумда тиниб, ларзали момоқалдироқ остида боягидан-да забтига олиб ёмғир қуярди.

(Давоми 2-бетда)

# ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС

Шаҳрисабз туманидаги "Садо" акциядорлик жамияти республикамизда ўтказилаётган савдо кўргазмалари ва ярмаркаларда фаол қатнашиб, ўз мижозларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Корхонада асосан болаларнинг турли хил кийимлари, спорт формалари тайёрланади. Бу ерда тикилаётган кўплаб янги-янги моделлар нафақат мамлакатимиз бозорларида, балки хорижда ҳам "Садо"нинг обрўсини оширмоқда. Ўтган йили АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳридаги савдо уйига 112 минг доллар миқдорида трикотаж маҳсулотлари етказиб берилди.

Жорий йилнинг бошида корхона менежерлари Жанубий Кореянинг "Тойчин" фирмаси билан жами қиймати 500 минг АҚШ долларига тенг битимни имзолаб, ҳозирги кунда ана шу буюртмани бажаришга ҳаракат қилишмоқда. Бу йилнинг ўзида 127,7 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Асосийси, маҳсулотлар корхона омборида туриб қолмаяпти. Бунинг сабаби битта: "Садо" ўз маҳсулотларини замон талабига мос сифатли, арзон қилиб чиқармоқда. Шу боис ички бозорда ҳам бу маҳсулотларга кундан-кунга талаб ошмоқда.

**"Туркистон-пресс**

*Бор бўл, оқибат!*

***Ҳамза туманидаги Бобур маҳалласи пойтахтимизнинг намунали, обод гўшаларидан. Миллий қадриятлар ва анъаналаримиз мустаҳкам қарор топаётган ушбу масканда бугунги кунда 9000 нафарга яқин турли миллат вакиллари тинч-тотувликда яшаб келишмоқда.***

# КЕКСАЛАР ДУОСИНИ ОЛИБ

- Инсоннинг дунё ҳақидаги тушунча ва кўникмалари, энг аввало маҳаллада шаклланади,-дейди фуқаролар йиғини раиси И.Қурбонов. — Шунинг учун мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб белгиланиши барча қатори бизни ҳам руҳлантириб юборди. Айни пайтда маҳалламизда 821 нафар пенсионер бўлиб, уларга ҳукумат қарори асосида кўмак берилмоқда. Боқувчисини йўқотган оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож якка-ёлғиз пенсионерларга белгиланган кўрсатмалар бўйича мунтазам равишда зарур ёрдам кўрсатилаётир. Масалан, ўтган чоракда ана шундай 26 нафар кексага 8500 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, моддий жиҳатдан қийналиб қолган оилаларга коммунал-хизмат тўловларининг 50 фоизи маҳалла бюджетидан қопланмоқда.Ўтган ярим йилда 9 нафар кам таъминланган оилага ана шундай мурувват кўрсатилди.

Дарҳақиқат, маҳалла-меҳр-мурувват маскани. Шу ерда истиқомат қилаётган саховатли тадбиркорларнинг ҳомийлик сифатида ёрдам кўрсатаётгани ҳам айни муддао бўлаётир. Жумладан,- Наврўз байрамида маҳалла ҳудудида жойлашган қаҳвахона раҳбари Бахтиёр Комилов 100 нафардан ортиқ меҳнат ва уруш фахрийларини байрам дастурхонига таклиф этди. Хотира ва Қадрлаш кунида эса тадбиркор Абдукарим Алимқулов 150 нафар уруш қатнашчиси ва меҳнат фахрийлари иштирокида байрам тадбири уюштирди. Йиғилганларга совға-саломлар улашилиб,қарияларнинг дуоси олинди. Ҳудудда фаолият юритаётган бошқа тадбиркорлар ҳам савоб ва эзгу ишлардан четда қолаётганлари йўқ.

-Гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек бизда ҳам нотинч оилалар мавжуд,-дея суҳбатни давом эттирди педагог-тарбиячи С.Бўронбоева.— Улар билан мунтазам равишда суҳбат ва тарбиявий ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бераяпти.Маҳалла қошидаги яраштирув комиссиясининг фаолияти ҳам эътиборга лойиқ. Комиссия аралашуви билан оилавий жанжаллар, қўшнилар ўртасидаги ўзаро низолар бартараф қилинмоқда. Масалан, кўп қаватли уйда яшовчи икки қўшни ёш болаларининг ўйинидан келиб чиққан арзимаган жанжал туфайли келишолмай қолишган. Маҳалла идорасига улар таклиф этилиб, ўзаро яраштиришга эришилди. Яраштириш комиссиясига жорий йил давомида 12 та оила ариза билан мурожаат қилган бўлса, уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинди.

Маҳаллада тўйлар фаоллар иштирокида камчиқим, ихчам қилиб ўтказилмоқда. «Нуроний» қаҳвахонаси кўплаб маросим ва тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган бўлиб, бу ерда барча шароит мавжуд.

Ҳудуддаги 2 та мактабда 2000 нафардан ортиқ бола билим олади.4 та болалар боғчаси бор. Болалар ва ўсмирлар яшовчиларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Шу боис уларнинг тарбияси ва спорт билан шуғулланишларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу ерда 3 та спорт мажмуи мавжуд.100 нафар болакай спортнинг ушу, кун-фу турлари билан шуғулланади. Спорт йўриқчиси Б.Камолов раҳбарлигида «Серқуёш арслонлар» клубида машғулотлар олиб борилмоқда. Маҳалла қошида очилган клубда 7-15 ёшгача бўлган болалар спорт сирлари билан ошно бўлишаётир. Сардор Ч.Латипов етакчилигидаги 10 нафар посбон фаолият кўрсатишади. Тартиб-интизомга қатъий риоя этилаётганлиги туфайли вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада камайди.

**Одил ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири**

## КОРХОНА МУЗЕЙИ

***«Совпластитал» мамлакатимизда ташкил топган дастлабки ўзбек-италия қўшма корхонаси сифатида эътиборга сазовордир. Бу нуфузли корхонанинг пластмассали маҳсулотлари турлари ортиб, янада харидоргир бўлиб бормоқда.***

Унда ишлаб чиқарилаётган чинни буюмларнинг бир қисми четга экспорт қилинмоқда.

Бугунга кунда корхона жаҳондаги 30 дан ортиқ мамлакат билан алоқа боғлаган.

Корхонанинг «Маҳсулот турлари» деган лабораториясида бўлган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади.

Ушбу лабораторияда корхона маҳсулотлари намуналари катта экспозицияси ташкил қилинди. У корхона музейи сифатида томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

**А.АКБАРОВ**

***Кейинги йилларда Чиноз тумани ҳудудидаги автомобил йўллари сезиларли даражада яхшиланиб боряпти. Бунга туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси жамоаси муносиб ҳисса қўшмоқда.***

*Эл хизматида*

# ЙЎЛИНГИЗ РАВОН БЎЛСИН



Корхонада 280 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг жонбозлиги туфайли жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 199 километр йўлнинг салкам 20 километри сифатли таъмирдан чиқарилди, 3 километр йўлга асфальт ётқизилди. 2 та автобекат, 3 километрлик пиёдалар йўлакчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу каби ишларни муваффақият билан адо этишда Ш.Тошматов, А.Абдуллаев, К.Мамбетов, Е.Жуков сингари йўлсозлар кўпчиликка ибрат кўрсатди. Умуман, йилнинг 6 ойи давомида бажарилган ишлар кўлами 305 миллион 600 минг сўмни ташкил этди. Ўз-ўзидан маълумки, олинган соф фойда ҳам анча салмоқли бўлди.

– Йўлларимиз қанчалик текис, равон бўлса, нохуш воқеалар ҳам шунчалик кам содир бўлади. Бу ҳаммага бирдек аён. Қолаверса, равон йўлларда ҳаракатланадиган автотранспорт воситалари ўз эгаларига, халқимизга узоқ йиллар хизмат қилади. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда, йўлларимиз равон бўлиши учун бор имкониятни ишга солиб меҳнат қиляпмиз,– дейди корхона бош муҳандиси Шавкат Тошматов.

Дарвоқе, йўлсозлар нафақат йўл барпо этиш, балки ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам бир қатор амалий ишларни бажараяптилар. Масалан, қисқа вақт ичида 170 та ҳар хил турдаги йўл белгилари ўрнатилди. Ҳозирда бу иш давом эттирилмоқда. Жумладан, транспорт қатнови гавжум бўлган мактаб, болалар боғчалари олдига огоҳлантирувчи белгилар қўйилмоқда. Бу борада йўл ҳаракат хавфсизлиги ходимлари билан белгиланган режа асосида ҳамкорликда иш олиб борилаётганлиги ҳам ўзининг ижобий натижасини бераяпти.



Корхонада ишловчилар меҳнат шароитини яхшилаш, моддий манфаатдорлигини ошириш, ижтимоий муҳофаза масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шунинг учун ҳам йўлсозларнинг унумли меҳнат қилишлари учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. Улар махсус кийим-бош билан тўла таъминланган. Тушликда бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Иш жойларига келиб-кетишлари учун махсус транспортлар ажратилган.

Яна бир гап. Кейинги йилларда йўл жамғарма маблағларидан ўз ўрнида, самарали фойдаланилаётганлиги сабабли олинаётган даромад ҳисобидан нафақат ижтимоий муҳофаза, балки бошқа хайрли ишларни амалга ошириш ҳамда янги техника воситаларини сотиб олиш имконияти туғилаяпти. Демакки, келгусида корхонада иш самарадорлиги янада ошиши, ишчи-хизматчилар моддий манфаатдорлиги сезиларли юксалиши кутилмоқда.

**Акмал АЛЛАМУРОДОВ, «Ишонч» мухбири**

**Суратларда: корхона йўлсозлари иш фаолиятидан лавҳалар.**

## ХАЙРЛИ ИШГА ҚЎЛ УРИЛДИ

Бухородаги Рашид мадрасасида САРА Европа комиссиясининг маблағи ҳисобига таъмирлаш ишлари бошланди.

Қайта таъмирлаш лойиҳаси муаллифларидан бири, меъмор Зоир Қиличевнинг "Туркистон-пресс" мухбирига айтишича, мадрасани қайта тиклаш ишларига франциялик ва ўзбекистонлик талабалар ҳамда бухоролик волонтёрлар жалб қилинди. Мадрасани таъмирлаш ишлари 2007 йилда якунлангач, бу ерда қайта тиклаш мактабини очиш режалаштирилмоқда.

*2004 йил — Меҳр ва мурувват йили*

***Наманган вилояти ҳокимлиги кам таъминланган оилалар, якка-ёлғиз фуқаролар, етим-есирлар, ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Наманган шаҳридаги 26-сонли «Меҳрибонлик уйи»-ни тубдан қайта қуришни режалаштирилган эди.***

# «МЕҲРИБОНЛИК УЙИ» ТАҚДИМОТИ

Қисқа муддатда 600 миллион сўм маблағ сарфланиб, қурилиш-монтаж ишлари якунига етказилди. Куни кеча шу масканнинг очилиш маросими бўлди. Тендерда ғолиб чиқиб, бунёдкорлик ишини бажарган 503-механизациялашган кўчма жамланма қурувчиси Ҳотамжон Қодиров, пайвандчи Қодиржон Холбоев, бригада бошлиғи Бўтабек Ҳасанбоев, шунингдек, энг яхши ҳомий сифатида дизайн ишларини олиб борган «Мадад-дизайн» масъулияти чекланган жамияти раиси Зоҳиджон Юсуповларнинг сифатли ва унумли меҳнати вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари билан муносиб тақдирланди.

Тадбир сўнгида республика прокуратурасининг махсус совғалари – бадиий китоблар, энг сўнгги нусхадаги компьютер «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига топширилди.

**С.СОҲИБОВА, «Ишонч» мухбири**

## УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Банклар уюшмасининг универсал биржа маркази Бухоро бўлими июл ойининг бошларида учта биржа савдосини ўтказди. Натижада 15 та иншоот 63 миллион сўмга сотилди.

Кўчмас мулкнинг иккиламчи бозорида сотилган объектлар орасида 3 та савдо растаси, 3 та савдо павильони, 4 та дўкон биноси, 2 та бино, 3 та қурилиши тугалланмаган бино бор эди. Кўчмас мулкнинг иккиламчи бозорида 15 та объектнинг бошланғич баҳоси 50 миллион 15 минг сўмни ташкил этиб, объектлар бошланғич баҳосига нисбатан 1,25 баравар қимматга сотилди.

## КОНИ ФОЙДА

АҚШлик 20 нафар волонтёрлар "Йўлдош" болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган болаларга инглиз тилидан сабоқ бердилар.

Лойиҳа раҳбари Денис Ерачиннинг "Туркистон-пресс" мухбирига маълум қилишича, тадбирлар Тинчлик корпусининг Glow Gamp дастури доирасида Бухоро вилоят касаба уюшмалари кенгаши ва Бухоро Давлат университети талабалари кўмагида ўтказилди. Машғулотлар чоғида болалар, шунингдек, экология, давлатнинг гендер сиёсати бўйича ҳам ўз билимларини бойитдилар. Волонтёрлар уларни Америка маданияти ва рақслари билан таништирдилар, психологик машғулотлар ўтказдилар.

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# ҚАЛБДА ИШТИЁҚ БЎЛСА...

***Раҳимжон ота Тожибоев ширкат хўжалигига раислик қилган йиллари тиниб-тинчимасди. Бир оёғи далада бўлса, бир оёғи ободончилик ишларида бўларди. Қабристон деворини тиклаш, маҳалла гузарини кенгайтириш, йўл-кўприкларни созлаш юмушларига зўр берарди. Шунданми, кексалик нафақасига чиққандан кейин ҳам ҳамқишлоқлари ҳурмат кўрсатиб «раис» деб чақиришни қўйишмайди. Пахтаобод туман ҳокимлигига учрашиб, фермер хўжалиги юритиш ниятида эканлигини айтганда, ҳеч ким унинг гапини қайтармади. Илгари ўзи раислик қилган «Озод» ширкат хўжалиги ҳудудидан 10 гектар экинзор ижарага ажратилди. Шу тариқа «Раҳимжон ҳожи» фермер хўжалиги ташкил топди.***

Бугун ота Пахтаободнинг олди мулкдорларидан бири. Комбайни, «Камаз» юк машинаси, трактори бор. Қўрасида 10 бош қорамол боқувда. «Зар қадрини, заргар билади», деганларидек ўғил-қизларига ерни ардоқлаб, қадрлашни ўргатган. Баҳордан кеч кузаккача далада. Гоҳ экинзорини ораласа, гоҳ буғдойи янчиб олинган ерни шудгорлаб, такрорий экин экиш илинжида тракторчининг ёнига ўтириб шудгорга киришиб кетади. Гоҳ сувчилар билан ўқ ариққа шарбат оқизаётган бўлади.

Даромад олишда ҳам «Раҳимжон ҳожи» фермер хўжалиги билан беллашганлар армонда қолган. 2003 йилда 5 гектар майдондан 20 тонна «оқ олтин» хирмони яратди. Ҳосилдорлик гектарига 40 центнерга кўтарилди. 5 гектар ғаллазордан 75 центнерлик марра эгаллаб, давлатга жами 21 тонна буғдой сотиб шартнома мажбуриятини ортиғи билан уддалади. Натижада фермернинг банкдаги ҳисоб рақамида 6 миллион сўмлик кирим пайдо бўлди.

Жорий йилда ҳам Р.Тожибоев бошлиқ фермерлар оиласи учун «буғдой йили» бўлди. Ҳосилдорлик 80 центнерга ошиб, ўзига шартномадан ташқари 7-8 тонна дон қолди. Умуман, бу йил пахта ва ғалладан 7 миллион сўм даромад қўлга тегиши кўзланмоқда. Байрамларда отанинг меҳру мурувватидан маҳалладошлари баҳраманд. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронларга пахта ёғи, гўшт, ун маҳсулотлари улашади.

Фермер истиқомат қилаётган «Қизилоёқ» маҳалласи аҳолиси отанинг ҳимматидан миннатдор. Тўю маъракаларда белини боғлаб эшикоғалик қилади. Илгари ёзда чанг, қишда лойга ботган кўчалар Раҳимжон отанинг маблағи ҳисобидан шағал ётқизилиб, равон бўлган. Ҳудуддаги 13-мактаб жамоасининг қувончини айтинг. Сахий фермер мактабни ўз ҳомийлигига олган. Синф хоналари, ошхона таъмирланиб, янги ўқув йилига тахт қилиняпти. Яқинда отахон яна бир савоб ишга қўл урди. Шахсий жамғармасидан қўшимча синф хонаси қуриб берди. Энди 40 нафар бола икки сменада эмас, бир сменада ўқишади. Ночор хонадонларнинг фарзандлари ўқув қуроллари, дарсликлар билан бепул таъминланди.

Озод қишлоғида топганини эл-юрт билан бўлишадиган, хайрли юмушларни қувадиган мулкдорлар кўп. Ҳукуматимизнинг болалар спорти жамғармасини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори эълон қилинган кунлар эди. Қарорда зурриётларимизни бардам-бақувват қилиб вояга етказиш жамоатчилик иши эканлиги хусусидаги сўзлар барча озодликлар каби «Сотқинбой ота» фермер хўжалиги бошлиғи Мавлонберди Эгамовнинг қалбига чўғ солди.

Тез орада «Сотқинбой ота» фермер хўжалиги Озод қишлоғида ўз шахсий маблағи ҳисобидан бокс майдончаси қурилишини бошлаб юборди. Қурилишга мутахассисларни жалб қилиш, уларга қулай шарт-шароит яратиш, спорт анжомлари топиш, жиҳозлаш ишларига ҳокимлик ҳамда туман агросаноат мажмуи тармоқ қўмитаси бошчилик қила бошлади.

Шу билан қишлоқда бокс мактаби ҳам иш бошлади. Унга 20 нафар ўсмир бола жалб қилинди. Озодлик ёш боксчиларни тарбиялаш, спорт мактаби ишини жонлантириш, ринг қурилишини замонавий андозаларга мувофиқлаштиришда юртдошимиз, бокс бўйича жаҳон чемпиони Ўткирбек Ҳайдаровнинг ҳиссаси катта бўлди. У тез-тез қишлоққа ташриф буюриб, ўзининг қимматли маслаҳатлари билан боксчиларни рағбатлантириб турди.

Ниҳоят, Озод қишлоғида бокс бўйича беллашувлар ўтадиган майдон зарур спорт анжомлари ва ускуналар билан жиҳозланди. Бунинг учун фермер Мавлонберди Эгамовнинг шахсий жамғармасидан 5 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Очилиш маросимида Ўткирбек Ҳайдаровнинг ўзи иштирок этди. Илгаридек ўқимай, ишламай, мақсадсиз дайдиган ўсмир-ёшларни бугун бокс мактаби машғулотларида учратасиз. Шу боис спорт зали кеча-кундуз ишқибозлар билан файзли. Янги ўйингоҳ айниқса қишлоқ ҳудудидаги умумтаълим мактаб ўқувчилари, ширкат хўжаликларининг ишчи, милиция таянч пункти нозирлари, ҳудудда фаолият юритаётган божхона ходимлари учун ҳам айни муддао бўлди.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

## ХОТИН-ҚИЗЛАР КОМИССИЯСИ

***Сирдарё вилояти маҳаллаларида 320 дан ортиқ хотин-қизлар комиссияси бор. Улар «Энг ибратли маҳалла хотин-қизлар комиссияси» вилоят кўрик-танловида иштирок этмоқда.***

- Ҳозир барча жойда кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичлари ниҳоясига етмоқда, - дейди Сирдарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари Хожар Миржалилова. - Уларнинг орасида энг яхшиларини кўплаб мезонларга таяниб аниқлаймиз. Масалан, комиссия аъзоларининг кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз қариялар, етим-есирларга ва маънавий ёрдам кўрсатиши, юзага келадиган оилавий низолар, турли қонунбузарликларнинг олдини олиш, тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки инобатга олинади. Энг яхши комиссияларнинг тажрибаси батафсил ўрганилади ва умумлаштирилади, кейинчалик бу ҳар бир маҳаллада татбиқ этилади.

Вилоят кўрик-танловида ғолиб чиққан комиссия 100 минг сўм, иккинчи ўринни эгаллаган иккита комиссия 75 минг, учинчи ўринни қўлга киритган учта комиссия 50 минг сўмдан мукофот олади. Энг ибратли маҳалла хотин-қизлар комиссияси эса кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этади.

**(ЎзА)**



# МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК, РАСМИЯТЧИЛИК ТОКАЙГАЧА?

(Боши 1-бетда)

Оромгоҳ бошлиғи Абдукомил Шарипов ҳамроҳлигида бу ердаги ишларни кузатдик. Аввало оромгоҳда жой етишмаяпти. Болалар ёмғирда бошпана излаб қаёққа бош суқишларини билмайди, ҳатто. Кичкина ва тор айвончалар ҳаммани ҳам бағрига сиғдира олмайди. Турли хил кўнгилочар тадбирлар ўтказишга махсус жойнинг ўзи йўқ. Кутубхона, тиббий ёрдам хонаси, маънавият ва маърифат хонаси учун жой умуман йўқ. Ажабланарлиси шундаки, бирор бола китоб ёки газета мутолаа қилмоқчи бўлса, бош етакчи Матлуба Қўшбоевани қидириб топиши, у эса сумкасида кўтариб, ётоғида сақлаб юрган сийқаси чиққан 4-5 дона китоб ёки эскирган газета-журнални варақлаши мумкин, холос. 60 ўринли ошхона бугунги кун талабидан анча йироқ. Ошхона зали томидан тинмай чакка оқиши натижасида вақтинча шипга тортиб қўйилган оппоқ мато сарғайиб кетган. Электр қуввати тез-тез ўчиб туриши, унинг етишмаслиги оқибатида овқат фақат ташқарида қора қозонда ўтин ёрдамида тайёрланади. Оқибатда таомнома рўйхати жуда қашшоқ. Масалан, 19 июл куни болалар тушликда фақат битта овқат - мастава, нон ва чой тановвул қилиш билан чекланишди. Шу куни бош ошпаз Ўрозгул Маллаева тўйга, болалар врачи уйга кетганлиги туфайли уларни учрата олмадик. Озиқ-овқат сақланадиган омбор антисанитария аҳволда. Гўшт ва бошқа тез айнийдиган маҳсулотлар музлатгич йўқлиги туфайли очиқ ҳавода сақланмоқда. Тухум анчадан буён келтирилмаяпти.

Айтишларича, 1-босқичда ана шу тарзда 100 бола ҳордиқ чиқарган. 2-босқичда эса дам олувчи болалар 130 нафарга етган.

Иккита ётоқхонада жой етишмаслиги туфайли 20 нафар бола ерда ётиб-турибди. Устига-устак, ётоқхонанинг томидан чакка оқиши туфайли болалар кўрпа-тўшаги жиққа ҳўл.

Болалар спорт машғулотлари ўтказишга етарли шароит йўқ. Волейбол, футбол, баскетбол турлари учун мўлжаллаб ажратилган майдончада зарур оқ чизиқлар ҳам тортилмаган, белгилар йўқ. Чўмилиш бассейни таъмирланмасдан қолиб кетган. Ҳисоботларга кўра, бу йилги мавсум олдидан 3 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса-да, бугунги аҳволни яхши деб бўлмайди. Оромгоҳга элтадиган 17 чақиримлик масофадаги йўл ва кўприклар таъмирталаб бўлиб турибди. Бу эса, ўз навбатида, келиб-кетувчиларга ноқулайлик туғдирмоқда.

Оромгоҳ бошлиғи А.Шарипов Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари» тўғрисидаги Низоми талабларини бажаришни эмас, балки муросасозликни хуш кўраяпти. Акс ҳолда, чироқнинг тез-тез ўчиши, алоқа тизимининг умуман йўқлиги, хоналар етишмаслиги, меъёрдан ортиқча боланинг қабул қилиниши каби ўнлаб долзарб масалаларни тегишли масъул шахсларга етказиб, муаммоларни бартараф этишга киришилмасмиди?

Оромгоҳда ходимларнинг ички меҳнат тартиби ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Оромгоҳ бошлиғининг буйруқ ва фармойишлар китоби юритилмайди. Ходимлар махсус инструктаждан ўтказилмаган, педагогик кенгаш фаолияти сезилмайди. Оқибатда 14 нафар ходим буйруқсиз ишлаяпти, уларга ойлик маош вақтида берилмайди.

Берилган йўлланмалар билан танишар эканмиз, уларни тўлдиришда жиддий нуқсонлар борлигига гувоҳ бўлдик. Кўпгина йўлланмаларда бола ота-онасининг иш жойи, манзили, йўлланма ким томонидан берилгани ҳақида зарур

*«Ишонч» фош этади*

маълумотлар йўқ. Масалан, 764-сонли йўлланма билан келган 7-синф ўқувчиси А.Ниятов 2-босқичда дам олувчи болалар рўйхатига ҳам киритилмаган. С.Номозов, Ш.Ҳасанов, Ш.Турсуновларга берилган 733-,737-, 741-сонли йўлланмаларда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд.

Оромгоҳни биров туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тасарруфида деса, яна биров бошқасини айтади. Лекин у кимнинг балансида эканлиги очиқ қолмоқда. Эга бўлмагач, мавсум тугагандан сўнг турли ўғирликлар содир бўлаяпти. Ўтган йили 7 км масофадаги электр узатиш симини ўғирлаб кетишган.

Бу йил ҳам шундай ҳол юз бермайди, деб ким кафолат беради? Муҳим ишга қачонгача панжа орасидан қаралади.

**Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири**

*Оролбўйи шаҳарлари*

**_Оролбўйидаги муаззам маскан, Қорақалпоғистон фуқароларининг миллий ифтихори ҳисобланган Нукус шаҳри қиёфасини ўзгартириб, янада кўркам ва фусункор гўшага айланди. 2002 йил май ойидаги ҳукумат қароридан сўнг бу ерда кенг кўламли қурилиш ва ободончилик тадбирлари амалга оширилди._**

# ЖАЙХУН СОҲИЛИДАГИ МУАЗЗАМ МАСКАН

Шаҳар кўчалари кечалари айниқса фусункор. Улкан бинолар пештоқидан минглаб электр чироқлари самодаги юлдузлар билан баҳслашади. Кўркам хиёбонлар сочига оқ оралаган тетик ва хушмуомала қариялар, қувноқ йигит-қизлар билан гавжум. Кўп миллатли, аҳил ва иноқ масканда дилтортар куй-қўшиқлар янграйди.

Янги қурилган шинам турар-жойлар, гўзал майдон ва хиёбонлар, театр ва музей, спорт мажмуалари, бозорлар, замонавий аэропорт, темирйўл вокзали ва бошқа қатор муҳташам иморатлар кўзларни қувонтириб, шаҳар чиройига-чирой қўшиб турибди. Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига қўшаётган муносиб ҳиссаси, мураккаб экологик шароитга қарамасдан, кўплаб жабҳаларида юқори натижаларга эришаётгани, миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги шаҳар аҳли амалга ошираётган катта ишлар инобатга олиниб, 70 йиллик юбилейи муносабати билан Президентимизнинг 2003 йил 11 сентябрдаги Фармонига асосан Нукус шаҳри «Дўстлик» ордени билан мукофотланган эди.

Ўзига хос тарихга эга, бир томонини чексиз Қизилқум кенгликлари ўраб турган, бир ёнидан ўжар Жайҳун лойқаланиб оқаётган қадимий ва ҳамиша навқирон Нукус мустақиллик йилларида йирик илм-фан, маданият ва саноат марказига, Оролбўйидаги ҳақиқий гавҳарга айланди. Шаҳарнинг ўзига хос ва





ўзига мос хусусияти шундаки, аҳолининг 65 фоизини 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Эркин Қутибоев, Баҳром Эрматов, Султон Сулаймонов, Бавуржон Каздаев, Денис Пахомов каби таниқли спортчилар яшаётган муқаддас замин дунёга донг таратган полвонлар юртидир. Миллий курашнинг ҳақиқий фидойиси Бахтиёр Қўчқоров ва бошқа ҳомийлар кўмагида бунёд этилган замонавий спорт мажмуида ёшлар курашнинг ўндан ортиқ тури билан шуғулланмоқда.

Бултур қад ростлаган Санъат музейи ҳозирги замон меъморчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган. 3100 квадрат метр кўргазма майдонига эга уч қаватли бинода иқлим мувозанатини сақлаш, хоналарда мўътадил ҳароратни ушлаб туриш учун хорижнинг қулай ускуналари ўрнатилган. Оролбўйида яшовчи халқларнинг қадим ўтмиши ва бугунги кунидан гувоҳлик берувчи 90 минга яқин экспонат сақланаётган музей бой тарихий ва илмий манбага эга. Айниқса, Қорақалпоғистон тарихи музейи асосчиси И.Савинскийга бағишланган мемориал зал томошабинларда катта қизиқиш уйғотади.

Байрам тадбирлари, учрашув ва концертлар ўтказиладиган 5000 томошабинга мўлжалланган амфитеатр кишида ўзгача таассурот қолдиради. Яқинда фойдаланишга топширилган 2,5 гектар майдонни эгаллаган аквопарк болаларнинг севимли оромгоҳига айланган. Спорт-соғломлаштириш мажмуи қурилишига 350 миллион сўм маблағ сарфланди. Шаҳарда кейинги икки йил мобайнида бир неча ўн миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Аҳоли юзлаб янги уй-жойларга кўчиб ўтди. Бердақ номидаги мусиқали театр биноси, республика шифохонаси, Мустақиллик, Халқлар Дўстлиги майдонлари, кўчалар таъмирдан чиқарилди. Кенг ҳудудга салқинлик бахш этадиган Қизкетган канали соҳилларида ям-яшил дарахтларга бурканган ҳордиқ маскани барпо этилди.

Шаҳарда 52 та қурилиш ташкилоти бўлиб, кейинги йилларда улар томонидан 5500 ўринли таълим, 560 ўринли болалар, 130 ўринли даволаш муассасалари, 4 та банк, Бизнес маркази, Радио уйи, олимпия заҳиралари коллежи, ўнлаб маҳалла гузарлари қад кўтарди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими, ўндан ортиқ илмий муассаса, давлат университети, педагогика институти, олий тиббиёт ўқув даргоҳи, Тошкент давлат аграр университети ва педиатрия институтлари филиали, 43 та мактаб, 63 та мактабгача тарбия муассасаси ва бошқа илм-фан масканлари фаолият кўрсатмоқда.

Шошилинч тиббий ёрдам маркази, Акушерлик ва гинекология институтининг Нукус филиали, 11 та поликлиника, 3 та шифохона, ўнлаб дорихоналар ишлаб турибди. «Турон» стадиони, 42 та спорт зали, «Амударё» сузиш ҳавзаси, 49 та футбол, 41 та баскетбол, 84 та волейбол майдончалари, 6 теннис корти, 10 та болалар спорт мактаби ишлаб турибди. Алоқа хизмати мисли кўрилмаган даражада ривожланган. Шиша кабеллар ётқизилган 9 та замонавий автомат телефон станцияси орқали жаҳоннинг хоҳлаган нуқталари билан гаплашиш мумкин. «Уздунробита», Ўзбек-Америка қўшма корхонасининг уяли телефонлари энг тезкор ва ишончли восита.

«Қорақалпоқсаноатфуқароқурилиш» акционерлик жамиятига қарашли 2-қурилиш бошқармаси жамоаси замонавий меъморчилик услубига мос иморатлар бунёд этишаяпти. Бошқарма бошлиғи, ёш ва иқтидорли мутахассис Пароқат Исмоиловни зарбдор иншоотда учратдик. Қурувчилар республика молия вазирлигининг маъмурият биноси қурилишида сўнгги пардозлаш ишларини олиб боришаяпти. Ўтган йили лойиҳа қиймати 496 миллион сўмлик «Қорақалпоқавтойўл» акциядорлик бирлашмасининг муҳташам биносини фойдаланишга топширган бунёдкорлар ҳозирги пайтда тўрт қаватли спорт мажмуасини бунёд этишаяпти. Қурилиш юмушларида прораб Марс Утегенов, Қидиргали Таубаев, бригада етакчилари Кучқорбой Аметов, Қуватбой Ёқубов, терувчи Бергенгали Егизбоев кабиларнинг фидойилигини алоҳида тилга олиб ўтиш ўринли.

Амударёнинг ўнг соҳилида, денгиз сатҳидан 76 метр баландликда, жойлашган, умумий майдони 200 квадрат километр, аҳолиси 300 минг киши бўлган Нукус шаҳри юксалишнинг ойдин йўлидан бормоқда. Эндиликда у нафақат йирик саноат, илм ва маданият марказгина бўлиб қолмасдан дўстлик ва биродарлик, тинчлик ва осойишталик шаҳрига айланди. Жайҳун соҳилидаги зумрад гавҳар доналари Оролбўйининг барча шаҳар ва овулларини қуёшдек ёритиб турибди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

*Ибрат*

**_Юрт равнақи, унинг эртанги куни ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши, юксак даражада таълим-тарбия олишига чамбарчас боғлиқдир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу йўналишдаги ислоҳотлар изчиллик билан амалиётга тадбиқ этилмоқда. Бу борада Қарши туман халқ таълими бўлимига қарашли муассасаларда ҳам бир талай ибратли ишлар амалга оширилаяпти._**

## БОҒЧА ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ

### инглиз тили тўгаракларига жалб қилинмоқда

Туман ХТБ тасарруфида 59 та мактаб, 1 та лицей-интернат ва 26 та болалар боғчаси мавжуд. Бундан ташқари, 3 та мактабдан ташқари муассаса – 2 та болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази ҳамда битта БЎСМ фаолият кўрсатяпти.

– Таълим-тарбия муассасаларимизда жами бўлиб 6 минг нафардан ортиқ ўқитувчи-педагог, тарбиячи ва ишчи-хтзматчилар астойдил меҳнат қилишяпти, – дейди туман ХТБ мудири Носир Каримов. – Ходимларимизнинг бор диққат-эътибори «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган долзарб вазифаларни босқичма-босқич муваффақият билан бажаришга қаратилган. Қувонарлиси, бу борада бирмунча ютуқлар ҳам қўлга киритилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, сўнгги бир-икки йил ичида тумандаги мактаблар ва мактабгача таълим-тарбия муассасалари моддий базасини мустаҳкамлаш, етарли даражада дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, шунингдек педагог ходимлар малакасини ошириш ҳамда уларга услубий ёрдам кўрсатишга катта эътибор қаратилди. Айниқса, ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга мураббийлар тайинлаш, ўзаро тажриба алмашишнинг йўлга қўйилгани катта самара берди. Буни ўқитувчи, тарбиячи ва ўқувчиларнинг вилоят, республика миқёсидаги турли кўрик-танловлар, фан олимпиадалари ҳамда спорт мусобақаларидаги муваффақиятли қатнашувидан ҳам билиб олиш мумкин. Ўтган ўқув йилида Илёс Дониев (24-мактаб), Руслан Узоқов (12-мактаб), Л.Черкошенко (12-мактаб)лар вилоят ва республика фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритишди. Ойбек номли мактабнинг изланувчан муаллимаси Фароғат Маматова «Йил ўқитувчиси – 2003» кўрик-танловида вилоятда биринчи, республикада иккинчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари, вилоят миқёсида ўтказилган «Йилнинг энг яхши кутубхоначиси», «Кичик олимпиада», «Қўшиқ байрами», «Кўргазмали қуроллар», «Ижодкор ўқитувчи», «Йил мактаби – 2003», «Ижодий иншолар» каби тадбирларда ҳам туман вакиллари фаол қатнашдилар.

Мактаб ўқувчилари ҳамда боғча тарбияланувчиларини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш мақсадида ўнлаб мусобақалар ўтказилмоқда, тўгарак ва секциялар фаолияти йўлга қўйилган. Биргина болалар боғчаларининг 24 тасида ҳозирда ўнлаб спорт тўгараклари ишлаб турибди. Уларга юзлаб жажжи ўғил-қизлар жалб этилган.

Дзюдо бўйича қизлар ўртасида ўтказилган республика биринчилиги ғолиби, 12-мактаб ўқувчиси Алёна Шодмонова, миллий кураш бўйича мамлакат миқёсидаги мусобақа шоҳсупасига кўтарилган Фаррух Тилаков (4-мактаб)лар туман фахри ҳисобланади.

Болалар боғчаларида тарбияланаётган 2 минг нафарга яқин кичкинтойларга 244 нафар малакали тарбиячи ва мусиқа раҳбарлари таълим-тарбия беришмоқда. 26 нафар ҳамшира эса уларнинг соғлиғини муҳофаза қилмоқда. Эътиборга молик жиҳат шуки, мактабгача таълим-тарбия масканларининг 18 тасида инглиз тили тўгараклари фаолият кўрсатаяпти. «Соғломжон-полвонжон», «Онажоним табиат!» каби ўнлаб тадбирлар тарбияланувчиларда зўр қизиқиш уйғотмоқда. Энг муҳими, мазкур тадбирларнинг оммавийлиги ва мунтазамлилиги таъминланяпти. Таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этишда, айниқса «Қувонч», «Гунча», «Лола», «Роҳат», «Бўғирсоқ», «Наврўз» болалар боғчалари жамоалари барчага ўрнак бўлишмоқда.

Дарвоқе, туман халқ таълими бўлими савобли ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Кахлак қишлоғида яшовчи Муборак Рўзиева оиласи оталиққа олинган. Кам таъминланган оилага доимий равишда моддий ва маънавий кўмак бериб келиняпти. Бундан ташқари, якунланган ўқув йилида ёрдамга муҳтож оилаларнинг салкам 6 минг нафар фарзандига 52 миллион сўмликдан ортиқ дарсликлар, кийим-бошлар берилди.

**Камол ОЛЛОЁРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

*Хабарлар оқимидан*

## ХИТОЙГА ИЖОДИЙ САФАР

Таниқли бастакор Фарҳод Алимов Ўзбекистон Давлат консерваториясининг профессори сифатида ҳам бой тажриба орттирган. У «Ёш дирижёрлар учун ўқув қўлланмаси», «Оҳанга тўлсин, диёр», «Қўшиқ – бизнинг дўстимиз» каби ўқув қўлланмалари яратишда ҳам профессорнинг бу педагоглик фаолияти қўл келди.

Санъаткор ҳозир Хитой Республикасига ижодий сафар тараддудини кўрмоқда. Шинжон автаном республикаси санъат институти таклифи билан у мазкур олий ўқув юртида халқ чолғу асбоблари оркестрини ташкил этиш билан шуғулланади.

Айни вақтда консерваториянинг «Бастакорлик ва чолғулаштириш» кафедраси билан Шинжон санъат институти ўртасида ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилади.

## ОЛИМНИНГ КУТУБХОНАГА СОВҒАСИ

Республикамиз кутубхоналари фаолиятида замонавий технологиялар асосий ўрин тутмоқда. Бунда, шубҳасиз, компьютер воситаларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда.

Бу борада Тошкент Давлат шарқшунослик институти кутубхонасида амалга оширилаётган маърифий тадбирларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Кутубхона шарқ мамлакатларида чоп этилаётган нашрлардан талайгинасига эга. Айни вақтда турли адабиётлар ва дарсликлар, вақтли матбуот нашрлари билан ҳам таъминланган.

Зиё масканида совға қилинган китоблар бўлими ҳам бор. Халқаро Фирдавсий мукофоти совриндори, таниқли шарқшунос олим Шоислом Шомуҳамедов шахсий кутубхонасидан тақдим қилинган адабиётлар эса бу коллекцияни янада бойитди.

Ушбу китобларнинг асосий қисмини шарқ адабиёти, шарқ тили ҳамда фалсафасига оид қимматли нашрлар ташкил этади.

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ АСОСЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бўйича янги ўқув дастури тайёрланди. Умумтаълим мактабларининг 10-11 синфлари учун махсус яратилган «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» деб номланган бу дастур асосида қатор ўқув адабиётлари ҳам босмага тайёрланмоқда.

«Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» деган янги методик қўлланма эса нашр этилиб, жойларга юборилди. Профессор Ғайрат Шоумаров томонидан ёзилган ушбу қўлланмада юқори синф ўқувчиларини оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиланинг тиббий маданиятини ошириш каби муҳим тиббий-педагогик масалалар кенг ёритилган.

**А.АЛИЕВ**

---



## ИСТЕЪДОДЛАРГА — ГРАНТЛАР

**_Таълим тизимига юксак эътибор қаратилиб, ўқитувчи-педагогларни хорижда тажриба орттиришларини йўлга қўйиш мақсадида «Истеъдод» жамғармасининг тузилгани айни муддао бўлди._**

Яқинда жамғарманинг янги ўқув йилига мўлжаллаб қисқа муддатли грантлар учун ўтказган танловида наманганлик 8 нафар мутахассис ғолибликни қўлга киритди. Наманган Давлат университети проректори, иқтисод фанлари номзоди З.Худойбердиев, ушбу олийгоҳ ўқитувчилари Н.Салимжонов, М.Ҳабибуллаев, университет магистранти Д.Тошпўлатова, муҳандислик-иқтисодиёт институти аспиранти И.Ибрагимов, муҳандислик-педагогика институти катта ўқитувчилари П.Лутфуллаев, А.Тўйчиев ва И.Убайдуллаев. Энди улар дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидаги нуфузли олий ўқув юртларида билим ва малакаларини оширадилар.

**С.АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

---

**БЕПУЛ ТИББИЙ ХИЗМАТ:**

## ҲУҚУҚ ВА ИМТИЁЗ

Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам тизимидаги имкониятлар ва муаммоларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Айтиш керакки, мамлакатмизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этиш давлат дастурида шошилинч ҳолатда келтирилган, сурункали касалликларга чалинган беморлар, шунингдек, ҳар қандай касалликларнинг олдини олишдаги тиббий муолажалар бепуллиги, ҳаммага тенг тиббий хизмат кўрсатиш кўзда тутилган. Мазкур дастурни амалга ошириш борасида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилган.

— Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш борасида ҳам кўпгина ишлар олиб борилмоқда, — деди анжуманда сўзга чиққан федерация раисининг биринчи ўринбосари Норбек Пардаев. — Хусусан, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги — USAID кўмагида "Мижозлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун" коалицияси тузилган. Шундай чоралар кўрилганига қарамасдан, шифохоналарда аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатишга етарли эътибор қаратилмаяпти. Айнан тиббиёт соҳасининг ўзидан ҳар йили Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га беш мингдан зиёд ариза, шикоятлар келиб тушмоқда. Коалиция аъзолари ва федерация ходимлари мамлакатимизнинг еттита минтақасидаги 54 та амбулатория-поликлиникада мониторинг ўтказганида, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи етарли даражада амалга оширилмаётгани маълум бўлди. Федерация вилоятлардаги 38 та дорихона фаолиятини ўрганиб чиқиб, мазкур дорихоналар дори-дармонларнинг имтиёзли тарқатилиши ҳақида умуман маълумотга эга эмаслигини аниқлади.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази томонидан олиб борилган мониторинг натижасига кўра, мазкур йўналишда кўпгина муаммолар аниқланган. Жумладан, бепул тиббий ёрдам кўрсатиш хизматининг сусайганлиги, аҳолининг тиббий-санитария ёрдами сифатидан норозилиги, дори-дармонлар нархининг қимматлиги, кўрсатиладиган бепул тиббий ёрдам турларидан мижозларнинг хабардор эмаслиги қайд этилади.

**"Туркистон-пресс"**

---

*Осиё-2004*

**_«Евро-2004»да Грециянинг олтин медал соҳибига айланиши аввалига мантиқсизлик, кейин тасодиф, охир-оқибат эса қитъада кучларнинг тенглашиб бораётганлигининг ўзига хос тасдиғи сифатида баҳоланди. Чамаси, энди бу гапни «Осиё-2004» га нисбатан қўллаш пайти келганга ўхшайди._**

## КУЧЛАР ТЕНГЛАШЯПТИ...МИ?

Хитой-Баҳрайн, Саудия Арабистони – Туркманистон, Жанубий Корея-Иордания термалари ўзаро баҳсда дурангга имзо чекканлари, Индонезия эса Қатарни, Кувайт ён қўшниси БААни мағлуб этгани, очиғи, олдиндан билдирилган кўплаб башоратларни пучга чиқарди. Айниқса, 2002 йилги жаҳон чемпионатида Осиё жамоалари ўртасида илк бор ярим финалгача етиб келган ва умумий сарҳисобда тўртинчи ўринни эгаллаб, бронза медали соҳибига айланган Жанубий Корея Иордания билан 0:0 ҳисобига розилик билдиришини ким ўйлабди дейсиз. Наҳотки, кучлар тенглашиб бораётгани рост бўлса?

Аҳвол шу тарзда давом этаверса, ҳадемай Осиё жамоаларининг Европа ва Лотин Америкаси командалари билан тенгма-тенг кураш олиб боришга қодирлигига гувоҳлик қилсак ҳеч ажаб эмас. Бу, албатта, яхшилик аломати, турли турнирларни ўтказишдан мақсад ҳам шудир.

Яна бир гап. Осиё футболида араб мамлакатларининг таъсир доираси тобора кенгайиб бораётир. Бунга ушбу қитъа чемпионати яққол мисол бўла олади. Иштирокчи давлатларнинг тенг ярми араблар – Баҳрайн, Қатар, Саудия Арабистони, Ироқ, Иордания, Қувайт, БАА, Омон. Бу улардан бирининг шоҳсупанинг энг юқори поғонасига чиқиш имконияти алоҳида олиб қаралган бошқа миллий терма жамоаларникидан яхшироқдир дегани.

Узоққа бориб нима қилдик. Жанубий Корея иштирок этаётган «В» гуруҳида қолган уч жамоа араб мамлакатлари вакилларидир. Энди ҳам корейсларга осон тутиб кўринг-чи!

Ўзбекистон термаси жойлашган «С» гуруҳида ҳам шунга ўхшаш вазият юзага келган. Туркманистонни истисно қилганда, қолган икки терма араб футболчиларидан ташкил топган. Ироқ тўсиғини ошиб ўтган Равшан Ҳайдаров ва Юрген Гёде шогирдлари кейинги ўйинни Саудия Арабистони футболчилари билан ўтказишларига тўғри келади. Албатта, бу ҳол бирмунча ноқулайлик туғдиради. Бинобарин, энди биз бир ҳақиқатни ҳамиша ёдда тутишимиз лозим: араб жамоаларини енгибгина совринли ўринларга умид боғлаш мумкин. Шу маънода Ўзбекистон миллий терма жамоасига ҳавас қилиш мумкин. Бир тўсиқ ошиб ўтилди, бу эса худди шундай иккинчи тўсиқ ҳам забт этилишига ишонч уйғотади. Ҳар ҳолда ўзбекистонлик мухлислар шундай умид билан яшамоқдалар.

**Мухлислар ён дафтарига:**

«В» - гуруҳи: Жанубий Корея – Иордания – 0:0, Қувайт – БАА – 3:1

«Д» - гуруҳи: Япония – Омон –1:0

---

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма. Марказий қўмитаси АСМ ходимлари касаба уюшма Самарқанд вилояти қўмитасининг собиқ раиси **Искандар УСМОНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

## ТИНЧЛИК КОРПУСИ ЙЎЛЛАНМАЛАРИ

Фориш тумани ҳудудида АҚШнинг Тинчлик корпуси томонидан ёзги оромгоҳлар ташкил этилди. Унда махсус синовлардан муваффақиятли ўтган ёшлар бепул дам олишмоқда. 8-10-синф ўқувчилари вилоятдаги олий ўқув юртида таълим олаётган инглиз тилини мукаммал билувчи талабалар билан биргаликда ҳордиқ чиқаришаётир. Барча машғулотлар фақат инглиз тилида олиб борилади.

## ТУМАНДА «ИЖОДКОРЛАР БОҒИ»

Дўстлик туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Ижодкорлар боғи» ташкил этилди. «Дўстлик ҳаёти» газетаси таҳририяти ходимлари ва умуман туманда яшаб, ижод қилаётган журналистлар ва ижодкорларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида 2 гектар ер майдони ажратилди. Шу билан бирга, М.Абдувалиев номли агрохизмат марказидаги 35 гектар майдондаги боғ дала ҳовлиси билан биргаликда ижодкорларга берилди.

*Жиззах томонларда*

## ТАЛАБАЛАР ТАНЛОВ СОВРИНДОРИ

Халқ таълими вазирлиги томонидан республика педагогика институтлари талабалари ўртасида ҳар икки йилда «Талантларни излаймиз» кўрик-танлови ўтказилиб келинмоқда. Яқинда бўлиб ўтган мазкур танловда Жиззах Давлат педагогика институтининг мусиқа бўлими талабалари мумтоз қўшиқлар, яккахон, вокал йўналишлари бўйича фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817

23456